

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«20» апрель 2019 г.

№ 342

Toshkent sh.

**Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш
бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни таҳлил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласин:

1. Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тўғрисидаги низом иловага мувофик тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни тизимли равища мониторинг қилиб борсин, бунда давлат органлари ва ташкилотлар томонидан хуқукий тарғибот ва маърифат бўйича олиб борилган ишларни ўрганиб, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрланишини таъминласин;

жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирлар ташкил қилинишида давлат органлари ва ташкилотларга доимий равища амалий ёрдам бериб борсин;

жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш натижалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳар олти ойда таҳлилий ахборот киритиб борсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Махкамасининг
2019 йил “20” апрелдаги 342-сон карорига
илова

**Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича
тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни (кейинги ўринларда ҳуқукий тарғибот тадбирлари деб аталади) мониторинг қилиш ва баҳолашнинг асосий мақсади – аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг самарадорлигини ошириш, бу борада давлат органлари ва ташкилотларнинг масъулиятини кучайтириш ҳамда ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш бўйича янги инновацион услубларни жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этишдан иборат.

3. Ҳуқуқий тарғибот тадбирларини мониторинг қилиш ва баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия органлари (кейинги ўринларда адлия органлари деб аталади) томонидан амалга оширилади.

4. Ҳуқуқий тарғибот тадбирларини мониторинг қилиш ва баҳолаш холислик, ошкоралик ва даврийлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

**2-боб. Ҳуқуқий тарғибот тадбирларини
мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби**

5. Жамиятда ҳуқукий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш ушбу Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

6. Ҳуқуқий тарғибот тадбирларини мониторинг қилиш ва баҳолашда куйидагиларнинг бажарилиши ҳолати таҳлил қилинади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича дастурлар, “йўл хариталари” ва бошқа чора-тадбирлар режалари;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ва ижрочиларга тушунтириш бўйича чора-тадбирлар режалари;

давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ўзининг соҳа фаолиятига тегишли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилиш юзасидан тасдиқланган тарғибот режалари.

7. Хуқуқий тарғибот тадбирларини мониторинг қилиш ҳар йили икки маротаба (май ва октябрь ойларида), масъул давлат органлари ва ташкилотларидан тегишли маълумотларни сўраб олиш, зарурат бўлганда эса жойига бориб ўрганиш орқали амалга оширилади.

8. Адлия органлари хуқуқий тарғибот тадбирларини мониторинг қилиш доирасида ушбу Низомнинг 6-бандида белгиланган чора-тадбирлар режаларини бажаришга масъул давлат органлари ва ташкилотларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган сўровнома (кейинги ўринларда сўровнома деб аталади) юборади.

9. Давлат органлари ва ташкилотлари сўровнома олинган кундан эътиборан 10 кун ичida тегишли материалларни илова қилган ҳолда жавоб хатини адлия органларига юборадилар.

10. Сўровнома бўйича давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тақдим этилган маълумотлар адлия органлари томонидан таҳлил қилинади ва ўтказилган тадбирлар самарадорлиги ушбу Низомга 2-иловадаги Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни баҳолаш тизими мезонларига мувофиқ баҳоланади.

Зарур ҳолларда, адлия органлари вакиллари бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларини жалб қилган ҳолда сўровнома бўйича тақдим этилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини жойига чиқиб ўрганишлари мумкин.

Ўрганиш натижасида сўровнома бўйича тақдим этилган маълумотлар нотўғрилиги аниқланса, бу ҳақда Адлия вазирлиги камчилик аниқланган тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарини огоҳлантиради ҳамда мониторинг ва баҳолаш якуни бўйича тайёрланадиган таҳлилий ахборотда тегишли чоралар кўриш юзасидан таклифлар киритади.

11. Хуқуқий тарғибот тадбирлари самарадорлигини баҳолаш ҳар бир индикатор бўйича алоҳида юритилади ва расмий статистик маълумотлар, сўровлар, мониторинг ва ўрганиш натижаларига мувофиқ амалга оширилади.

12. Хуқуқий тарғибот тадбирлари самарадорлигини баҳолашда хисобот даври сифатида ҳар ярим йиллик фаолият олинади ва индикатор (кўрсаткич) ўзгариши динамикаси бўйича тегишли йўналишда хуқуқий маданиятни юксалтириш фаолиятига асосланган баҳо берилади.

13. Барча индикаторларни баҳолаш 4 та даражада (салбий ёки паст даражада, қониқарли даражада, ўртача даражада ва юкори даражада) бўйича фоиз ва сонлар ўлчови асосида аниқланади.

14. Адлия вазирлиги хуқуқий тарғибот тадбирларини мониторинг қилиш ва баҳолаш натижаларига кўра салбий ёки паст кўрсаткичга эга бўлган давлат органлари

хуқуқий тарғибот тадбирларини мониторинг қилиш ва баҳолаш натижаларига кўра салбий ёки паст кўрсаткичга эга бўлган давлат органлари

ва ташкилотлар масъулиятини ошириш ҳамда уларга ҳуқукий тарғибот тадбирларини самарали ташкил этишда кўмаклашиш бўйича чоралар кўради;

хуқукий тарғибот тадбирларини мониторинг қилиш ва баҳолаш натижаларини оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармокларда ёритиб боради;

хар олти ойда хуқукий тарғибот тадбирларини мониторинг қилиши ва баҳолаш натижаси бўйича тайёрланган таҳлилий ахборотни Вазирлар Маҳкамасига киритади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

15. Сўровнома бўйича давлат органлари ва ташкилотлари томонидан адлия органларига тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилигига тегишти давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари масъул ҳисобланади.

16. Хуқукий тарғибот тадбирларини мониторинг қилиш ва баҳолаш натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига киритилган таҳлилий ахборотдаги маълумотларнинг ҳақиқийлигига Ўзбекистон Республикаси адлия вазири масъул ҳисобланади.

Жамиятда хукуқий маданиятни юксалтириш
бўйича тадбирларни мониторинг қилиш
ва баҳолаш тўғрисидаги Низомга
1-илова

Жамиятда хукуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни
мониторинг қилиш ва баҳолаш
СХЕМАСИ

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Адлия вазирлиги ва худудий адлия органлари	<p>Куйидагиларнинг бажарилиши бўйича масъул давлат органлари ва ташкилотларига сўровнома юбориш:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган жамиятда хукуқий маданиятни юксалтириш бўйича дастурлар, “Йўл ҳариталари” ва бошқа чора-тадбирлар режалари;</p> <p>норматив-хукукий хужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ва ижрочиларга тушунтириш бўйича чора-тадбирлар режалари;</p> <p>давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ўзининг соҳа фаолиятига тегишли бўлган норматив-хукукий хужжатларни тарғиб қилиш юзасидан тасдиқланган тарғибот режалари.</p>	Хар олти ойда (май ва октябрь ойларида)
2-босқич	Масъул давлат органлари ва ташкилотлар	Жамиятда хукуқий маданиятни юксалтириш бўйича амалга оширилган тадбирларга оид тегишли материалларни илова қилган ҳолда жавоб хатини адлия органларига юбориш.	Сўровнома олинган кундан эътиборан 10 кун ичида
3-босқич	Адлия вазирлиги ва худудий адлия органлари	Сўровнома бўйича давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилиш ва ўтказилган тадбирлар самарадорлигини баҳолаш.	Сўровномага жавоб олинган кундан эътиборан 10 кун ичида
4-босқич	Адлия вазирлиги ва худудий адлия органлари	Заруратга кўра, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларини жалб қилган ҳолда сўровнома бўйича тақдим этилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини жойига чиқиб ўрганиш.	3 кун ичида

		<p>Үрганиш натижасида тақдим этилган маълумотлар нотўғрилиги аниқланса, бу хакда камчилик аниқланган тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарини огоҳлантириш.</p>	Камчилик аниқланган кундан эътиборан 1 кун ичida
5-босқич	Адлия вазирлиги	<p>Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш натижалари асосида:</p> <p>тадбирларни ташкил қилиш бўйича янги инновацион услубларни жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;</p> <p>баҳолаш натижаларига кўра салбий ёки паст кўрсаткичга эга бўлган давлат органлари ва ташкилотлар масъулиятини ошириш ҳамда тадбирларини самарали ташкил этишга кўмаклашиш бўйича чоралар кўриш;</p> <p>баҳолаш натижаларини оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда ёритиб бориш.</p>	Мониторинг натижаларига кўра Доимо
6-босқич	Адлия вазирлиги	<p>Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш натижалари юзасидан тайёрланган таҳлилий ахборотни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	Хар олти ойда (июнь ва декабрь)

Жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш
бўйича тадбирларни мониторинг қилиш
ва баҳолаш тўғрисидаги Низомга
2-илова

Жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни баҳолаш
ТИЗИМИ

т/р	Индикатор (кўрсаткич)нинг номи	Ўлчов бирлиги	Индикатор (кўрсаткич)ни хисоблаш методикаси	Индикатор (кўрсаткич)ни баҳолаш методикаси	Масъул вазирлик ва идоралар
I. Шахс, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг хукукий маданиятини юксалтириш					
1.	Хукукий саводхонликни оширишга доир акциялар, флешмоблар ва бошқа оммавий тадбирлар ташкил этилиши	%	Тадбирлар сонини олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даражা (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даражা (0% дан 10% гача) 3. Ўртача даражা (10% дан 20% гача) 4. Юқори даражা (20% дан юқори)	Адлия вазирлиги
2.	Давлат органлари ходимларнинг хукукий билимларини ошириш бўйича хукукий маслаҳат курслари ташкил этилиши	%	Хукукий курсларда малакаси оширилган ходимлар сонининг давлат органларида ишловчи ходимлар умумий сонидаги улуши	1. Салбий даражা (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даражা (0% дан 5% гача) 3. Ўртача даражা (5% дан 10% гача) 4. Юқори даражা (10% дан юқори)	Адлия вазирлиги
3.	Маҳаллаларда ўtkazilgan манзилли тарғибот тадбирлари	%	Манзилли тарғибот тадбирлари сонининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даражা (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даражা (0% дан 10% гача) 3. Ўртача даражা (10% дан 20% гача) 4. Юқори даража (20% дан юқори)	Адлия вазирлиги, давлат органлари ва ташкилотлари
4.	Тадбиркорлик субъектлари ўrtасида ўtkazilgan манзилли тарғибот тадбирлари	%	Манзилли тарғибот тадбирлари сонининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даража (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (0% дан 10% гача) 3. Ўртача даража (10% дан 20% гача) 4. Юқори даража (20% дан юқори)	Адлия вазирлиги, давлат органлари ва ташкилотлари

5.	Адвокатлар томонидан маҳаллаларда бепул ҳуқуқий маслаҳатлар кўрсатилиши	%	Кўрсатилган ҳуқуқий маслаҳатлар сонининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даража (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (0% дан 10% гача) 3. Ўртacha даража (10% дан 20% гача) 4. Юқори даража (20% дан юқори)	Адвокатлар палатаси, Адлия вазирлиги
6.	“Street law” (“Кўча ҳуқуқ” – оддий ҳуқуқ) дастури доирасида таълим муассасаларида тадбирлар ташкил этилиши	%	Ўтказилган тадбирларни мавжуд жами таълим муассасалари сонидаги улуши	1. Салбий даража (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (5% дан 10% гача) 3. Ўртacha даража (10% дан 20% гача) 4. Юқори даража (20% дан юқори)	Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
7.	Ҳуқуқий қўлланмаларниң яратилиши ва тарқатилиши	%	Қўлланма тарқатилган хонадонларнинг республикадаги хонадонлар сонига нисбатан улуши	1. Паст даража (5%дан кам) 2. Қониқарли даража (5% дан 10% гача) 3. Ўртacha даража (10% дан 20% гача) 4. Юқори даража (20% дан юқори)	Адлия вазирлиги
8.	Ҳуқуқни тарғиб қилишга доир кўргазмали тарғибот материаллари тайёрланиши	%	Кўргазмали тарғибот материаллари сонининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даража (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (0% дан 10% гача) 3. Ўртacha даража (10% дан 20% гача) 4. Юқори даража (20% дан юқори)	Адлия вазирлиги, давлат органлари ва ташкилотлари
9.	Ҳуқуқий саводхонликни оширишга доир мультиликацион фильмлар яратилиши	1-3	Мультиликацион фильмлар сонининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даража (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (1 та) 3. Ўртacha даража (2 та) 4. Юқори даража (3 тадан кўп)	Адлия вазирлиги, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги
10.	Ҳуқуқий саводхонликни оширишга доир ижтимоий-ҳуқуқий тусдаги видеороликлар яратилиши	5-20	Видеороликлар сонининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даража (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (5-10 та) 3. Ўртacha даража (11-19 та) 4. Юқори даража (20 тадан кўп)	Адлия вазирлиги

11.	Хуқуқий саводхонликни оширишга доир бадий фильм ва сериаллар яратилиши	1-3	Бадий фильм ва сериаллар сонининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даражা (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (1 та) 3. Ўртacha даража (2 та) 4. Юқори даража (3 тадан кўп)	Адлия вазирлиги, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, МТРК
12.	Коррупцияга қарши курашибни тарғиб қилишга доир видеороликлар яратилиши	5-10	Видеороликлар сонининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даражা (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (5 та) 3. Ўртacha даража (6-9 та) 4. Юқори даража (10 тадан кўп)	Адлия вазирлиги

II. Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтиришда хуқуқий тарғиботнинг инновацион усусларини жорий қилиш

13.	Давлат органларининг ижтимоий тармоқлардаги сахифалари ва каналлари фойдаланувчилари	%	Сахифа ва каналлар фойдаланувчиларининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даража (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (0% дан 5% гача) 3. Ўртacha даража (5% дан 10% гача) 4. Юқори даража (10% дан юқори)	Адлия вазирлиги, давлат органлари ва ташкилотлари
14.	“Хуқуқий тест” дастурида хуқуқий билимларини синаб кўрган шахслар	%	Дастурдан фойдаланган шахслар сонининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даража (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (0% дан 5% гача) 3. Ўртacha даража (5% дан 10% гача) 4. Юқори даража (10% дан юқори)	Адлия вазирлиги
15.	“Хуқуқий ахборот” телеграм каналидан фойдаланувчилар	%	Фойдаланувчилар сонининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даража (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (0% дан 5% гача) 3. Ўртacha даража (5% дан 10% гача) 4. Юқори даража (10% дан юқори)	Адлия вазирлиги
16.	Advice.uz хуқуқий ахборот тизими фойдаланувчилари сонининг ошиши	%	Фойдаланувчилар сонининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Паст даража (5% гача) 2. Қониқарли даража (5% дан 10% гача) 3. Ўртacha даража (10% дан 15% гача) 4. Юқори даража (15% дан юқори)	Адлия вазирлиги

III. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш

17.	Оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий мавзуларни ёритувчи ижодий ходимларининг малакаси оширилиши даражаси	%	Малака оширган ходимлар сонининг шу йўналишдаги мавжуд ижодий ходимлар сонига нисбатан улуси	1. Салбий даража (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (0% дан 5% гача) 3. Ўртacha даража (5% дан 10% гача) 4. Юқори даража (10% дан юқори)	Адлия вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, ЎзА, МТРК
18.	Хукуқий мавзуларни ёритувчи электрон сайтлар аудиторияси	%	Электрон сайтлар аудиториясининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даража (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (0% дан 5% гача) 3. Ўртacha даража (5% дан 10% гача) 4. Юқори даража (10% дан юқори)	Адлия вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
19.	Интернет тармогига интеграция қилинган даврий нашрлар	1-5	Даврий нашрлар сонининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даража (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (1-2 та) 3. Ўртacha даража (3-4 та) 4. Юқори даража (5 тадан кўп)	Адлия вазирлиги

IV. Юридик таълимни, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш

20.	Хуқуқий мавзулар бўйича таълим берувчи педагог-ўқитувчиларни тайёрлаш ва улар малакасининг оширилиши даражаси	%	Педагоглар сонининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даража (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (0% дан 5% гача) 3. Ўртacha даража (5% дан 10% гача) 4. Юқори даража (10% дан юқори)	Адлия вазирлиги
21.	Юридик таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот институтлари, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигидаги тадбирлар	%	Тадбирлар сонининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даража (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (0% дан 5% гача) 3. Ўртacha даража (5% дан 10% гача) 4. Юқори даража (10% дан юқори)	Адлия вазирлиги

22.	Юридик таълим муассасалари талабаларининг чет элга стажировкага юборилиш даражаси	%	Чет элга стажировкага юборилган талабалар сонининг умумий талабалар сонига нисбатан улуши	1. Салбий даража (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (0% дан 5% гача) 3. Ўртacha даража (5% дан 10% гача) 4. Юқори даража (10% дан юқори)	Адлия вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги
-----	---	---	---	---	---

V. Хуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ қилиш

23.	Хуқуқий маданият соҳасида ҳимоя килинган илмий ишлар ва бошқа тадқиқот ишлари	1-15	Хуқуқий тадқиқот ишларининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даража (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (1-7 та) 3. Ўртacha даража (8-14 та) 4. Юқори даража (15 тадан кўп)	Адлия вазирлиги
24.	Хуқуқий маданиятни тадқиқ қилиш мақсадида ташкил этилган илмий-амалий конференциялар	1-10	Тадбирлар сонининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даража (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (1-4 та) 3. Ўртacha даража (5-9 та) 4. Юқори даража (10 тадан кўп)	Адлия вазирлиги
25.	Хуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида ўтказилган сўровлар	1-5	Сўровлар сонининг олдинги йилдаги шу даврга нисбатан ўсиш суръати	1. Салбий даража (салбий кўрсаткич) 2. Қониқарли даража (1-2 та) 3. Ўртacha даража (3-4 та) 4. Юқори даража (5 тадан кўп)	Адлия вазирлиги

Изоҳ. 14 ва 16-бандролардаги индикатор (кўрсаткич)лар бўйича баҳолаши ушбу бандларда қайд этилган дастур (тизим) ишга туширилганидан сўнг олдинги давларга нисбатан амалга оширилади.

